




IV.
ULUSLARARASI
TÜRKLERİN DÜNYASI
S O S Y A L
B İ L İ M L E R
SEMPOZYUMU



KİÜ
KIBRIS İLİM ÜNİVERSİTESİ

17 ARALIK 2020 - ÇEVİRİM İÇİ

BİLDİRİLER

EDİTÖRLER:

DOÇ. DR. OSMAN KUBİLAY GÜL

DR. BERKER KURT

DR. CELAL CAN ÇAKMAKCI

IV. ULUSLARARASI
TÜRKLERİN DÜNYASI
SOSYAL BİLİMLER SEMPOZYUMU
BİLDİRİLER

Editörler/Editors

Doç. Dr. Osman Kubilay GÜL

Dr. Berker KURT

Dr. Celal Can ÇAKMAKCI

Kapak ve SayfaTasarımı/ Cover and Page Design
Nuri İbrahim KARABUDAK

Bu kitap, 17 Aralık 2020 tarihinde *Türklerin Dünyası Enstitüsü* ve *Kıbrıs İlim Üniversitesinin* ortaklığında çevrim içi düzenlenen IV. Uluslararası Türklerin Dünyası Sosyal Bilimler Sempozyumunda sunulan bildirilerin tam metinlerini kapsamaktadır. Bildirilerin hukuki ve etik sorumluluğu yazarlarına aittir.

ISBN:978-605-67570-7-5
ANKARA –2020



IV. ULUSLARARASI TÜRKLERİN DÜNYASI SOSYAL BİLİMLER
SEMPOZYUMU

[17 Aralık 2020 Çevrim İçi]



Sempozyum Düzenleme Kurulu

Sempozyum Başkanı

Prof. Dr. Necati DEMİR
Gazi Üniversitesi

Düzenleme Kurulu Başkanı

Doç. Dr. Osman Kubilay GÜL
Sivas Cumhuriyet Üniversitesi

Düzenleme Kurulu

Prof. Dr. (h.c.) Mehmet Şükrü GÜZEL
Switzerland, Center for Peace and Reconciliation Studies

Doç. Dr. Ümit YILDIZ
MEB

Yrd. Doç. Dr. Hayrettin PARLAKYILDIZ
K.K.T.C. İlim Üniversitesi

Dr. Öğr. Üyesi Berker KURT
Akdeniz Üniversitesi

Dr. Öğr. Üyesi Celal Can ÇAKMAKCI
Zonguldak Bülent Ecevit Üniversitesi

Bilim Kurulu

Adı Soyadı

Prof. Dr. Adem ÖGER
Prof. Dr. Bülent AKSOY
Prof. Dr. Cavit YEŞİLYURT
Prof. Dr. Enderhan KARAKOÇ
Prof. Dr. İsmail KIVRIM
Prof. Dr. Kürşat ÖNCÜL
Prof. Dr. Mutlu DEVECİ
Prof. Dr. Sultan Murat TOPÇU
Prof. Dr. Ufuk KARAKUŞ
Prof. Dr. Zeki BOYRAZ
Doç. Dr. Erkan YEŞİLTAŞ
Doç. Dr. Esra Nur TIRYAKI
Doç. Dr. Fatih ÖZEK

Görev Yeri

Nevşehir Hacı Bektaş Üniversitesi
Gazi Üniversitesi
Atatürk Üniversitesi
Selçuk Üniversitesi
Necmettin Erbakan Üniversitesi
Eskişehir Osmangazi Üniversitesi
Fırat Üniversitesi
Erciyes Üniversitesi
Gazi Üniversitesi
İnönü Üniversitesi
Cumhuriyet Üniversitesi
Mustafa Kemal Üniversitesi
Fırat Üniversitesi



IV. ULUSLARARASI TÜRKLERİN DÜNYASI SOSYAL BİLİMLER SEMPOZYUMU

[17 Aralık 2020 Çevrim İçi]



TAZEGÜL MATYAKUBOVA	Özbekistan	POETİK TEFEKKÜR VE SANATSAL İFADE	533
İSLAMCAN YAKUBOV	Özbekistan	ÇAĞDAŞ ZAMAN ÖZBEK ROMANLARI POETİK YAPISINDA ŞARKI VE TÜRKÜLERİN YERİ	541
EMEL YİĞİTTÜRK EKİYOR	Türkiye	TÜRKİYE'DEN YURT DIŞINA NİTELİKLİ GÖÇÜN MEDYADA YANSIMASI	549
ABDULLA ULUG'OV	Özbekistan	"ҚҰРҚУТ ОТА..." ХИКМАТЛАРИ THE PROVERBS "DEDE KORKUT..."	561
ÜLKÜ MAZMAN İTİK	Türkiye	COVID 19 PANDEMİ SÜRECİNİN FİNANSAL TABLOLAR ÜZERİNE ETKİSİ ÜZERİNE BİR DEĞERLENDİRME	593
РАСУЛОВА УМИДА ЙЎЛДОШ ҚИЗИ	Özbekistan	ҚИССАДА ПЕЙЗАЖ ИФОДАСИ LANDSCAPE EXPRESSION IN THE STORY	603
RAMAZAN HÜSEYİN BİÇER	Türkiye	HUKUK RESEPSİYONU SÜRECİNE TEPKİ OLARAK YERLİ HUKUK: MECELLE	611
RAMAZAN HÜSEYİN BİÇER	Türkiye	VAKÂYİ HAYRİYE SONRASI BAZI YENİÇERİ FAALİYETLERİ VE ALINAN ÖNLEMLER	619
SEVİL İREVANLI	K.Makedonya	KARABAĞ HANLIĞININ İKİYÜZ YILLIK TARİHİNE KISA BİR BAKİŞ	627
ATILLA JORMA	K.Makedonya	ONDOKUZUNCU YÜZYILDA KARABAĞ HANLIĞINDAKİ KÜLTÜREL GELİŞMELER	631
TAHMİNA VALİYEVA	Azerbaycan	SEYİT HÜSEYİN HİKAYELERİNİN MEVZU VE PROBLEMATİK SECİYESİ	639
SÜLEYMANOVA JANNAGÜL	Kazakistan	YABANCILARA TÜRK DİLİNİ KONUŞMA AĞIRLIKLILIK ÖĞRETİM YÖNTEMLERİ	645
ГУЛНОЗА ОРИПОВА	Özbekistan	ŞİİR YAPISINDA BENT VE KAFİYENİN ÖNEMİ ЛИРИК КОМПОЗИЦИЯДА БАНД ВА ҚОФИЯНИНГ ЎРНИ	653
LÜTFİ SÜRÜCÜ AHMET MASLAKÇI	K.K.T.C	DÖNÜŞTÜRÜCÜ LİDERİN İŞ PERFORMANSINA ETKİSİ: ÖZ YETERLİLİĞİN ARACI ROLÜ	661
NURTEN REMZİ	Bulgaristan	BULGARİSTAN'DA İPEK YOLU İZLERİ	673
FATMA FİDAN	Türkiye	ÇALIŞANLARIN İŞ –ÖZEL YAŞAM ETKİLEŞİMİNE YÖNELİK TUTUMLARIHİZMET SEKTÖRÜNDE NİTEL BİR ARAŞTIRMA	693
FATMA FİDAN	Türkiye	GENÇLERİN EVLİLİK ALGISINI ETKİLEYEN SOSYO- DEMOGRAFIK UNSURLAR	705
MEHMET ŞÜKRÜ GÜZEL	İsviçre	RECOGNITION OF THE TURKISH CYPRIOTS NOT AS A MINORITY BY THE UNITED NATIONS GENERAL ASSEMBLY	717
MESUDE HÜLYA (ŞANES) DOĞRU	Türkiye	İ.Ü. NADİR ESERLER KÜTÜPHANESİ T5502 NUMARALI HUBANNAME VE ZENANNAME MİNYATÜRLÜ YAZMASINDA ÇİÇEK	727
SAMİRA MAMMADOVA	Azerbaycan	VAHİDİNİN "SAADET-NAME" SINDE ÇOCUK EVLİYALAR	741
EŞQANE BABAYEVA	Azerbaycan	MEMDUH ŞEVKET ESENDAL'IN ROMANLARINDA MEKÂN İMGESİ	749
SABOHA BOZOROVA	Özbekistan	AT İLE İLGİLİ ÖZBEK VE TÜRK ATASÖZLERİ ÜZERİNE	755
AYTƏKİN SALİFOVA	Azerbaycan	SƏMƏD VURĞUN VƏ DİL MƏSƏLƏLƏRİ	765
TANER GÜÇLÜTÜRK	Kosova	KOSOVA TÜRK ÇAĞDAŞ EDEBİYATI'NDA YENİ ROMAN (Reşit Hanadan - Rumeli'den Çıktık Yola)	775
FİDAN ABDURAHMANOVA	Azerbaycan	AZERBAIJAN VE TÜRK ŞİİRİNDE İSTİKLÂL SAVAŞI	789
AVTANDİL AĞBABA	Azerbaycan	AŞIK SÜMMANİ'NİN DESTANLARI	795

ҚИССАДА ПЕЙЗАЖ ИФОДАСИ
LANDSCAPE EXPRESSION IN THE STORY

Расулова Умида Йўлдош қизи¹

Аннотация:

Қисса жанрида воқеликни теран таҳлил қилиш, инсон руҳиятининг тубсиз ва қоронғу пучмоқларига назар ташлаш, ҳаёт моҳиятини англатишга эътибор ортгани аниқланади. Қисса жанри табиатини кузатар эканмиз, унда образлар кўп қирралиги, конфликт ўткирлиги, психологик таҳлил чуқурлиги, бадий-тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги, мавзулар ранг-баранглиги кўзга ташланади. Бу ишда замонавий қиссалардаги пейзаж тасвири ёритилади.

Калит сўзлар: қисса, жанр, поэтика, табиат, маъно

Resume

The deals with the problem of the increasing emphasis on the genre of the tales, a deeper analysis of reality, a look at the deep and dark pits of the human soul, and the essence of life. When we research the nature of the genre of tales, we can observe the versatility of images, the intensity of conflict, the depth of psychological analysis, the diversity of artistic and visual means, and the diversity of themes. This work describes the landscape in modern stories

Key words: story, genre, poetics, nature, meaning

Ўзбек адабиёти тарихида кўп янгиланишлар рўй берди. Бадий ижодда маънавий, эстетик омилларнинг такомиллашуви янгича қарашларга замин яратди. Сўз санъаткори бадий адабиётнинг қайси турида асар яратмасин, нигоҳини умумбашарий муаммолар ечими, азалий қадриятлар талқинига қаратади. Ўзбек қиссалари тарихан бой маданият, бадий концептуал принцип, поэтик тилни намоён этиши билан муҳимдир.

Ижодкорнинг қобилияти унинг сўз қўллаш маҳоратида акс этади. Ҳар бир санъаткорнинг мавзунини ёритиш усули, фалсафий, эстетик мушоҳадаси, асари структураси фарқланиб туради. Ёзувчи тафаккур ҳамда тасаввур оламининг бойлиги, истеъдоди, диди, сажияси асарлари бадийлигига муҳрланиб боради.

Бадий асар жавҳарига сингдирилган ғоялар китобхон тахаййюл қудратини мустаҳкамлаган. Поклик, нурафшонлик рамзи сув фольклор мотивида кўп учрайди. Туркий халқлар мақолу маталида сувнинг тиник, шаффофлиги кўнглини поклаши, хузур, ҳаловат насиб этиши уқтирилади. Сувни эъзозлаш, уни исроф этмаслик борасида ҳикматлар мавжуд. Замонавий қиссаларда ҳам тириклик нъматлари ишоравий мазмунни кучайтириб боради.

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасида бола нигоҳи-ла Иссиқкўл манзараси жонланади. Бу макон хусусида беғубор тасаввурлар поэтик ифодага кўчади. Иссиқкўл суви барақа, саховат рамзи бўлиб, ундаги балиқ турлари, ҳаёт тарзи тасвирида реллик билан ҳаёлот қоришиқлиги кўзга ташланади. Бола айнан балиқ бўлиб, Иссиқкўл бағрида ҳаловат топишга ошиқади. Унинг қалб изтироби онгли одамлар томонидан англамайди, покиза туйғуларга дунё торлик қилади. Кўлнинг жозибалиги, муаззамлиги мурғак виждонига таскин беради. Иссиқкўл бағрида жонзоту наботот тинч тотув ҳаёт кечиради, исёнкор инсон эса ҳар нарсада ўз манфаатини кўзлайди. Бола қўлда орзулар рўёбини ҳис этади, кемада унинг меҳрибон кишиси келишига мурод боғлайди.

¹ Rasulova Umida, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, филология фанлари доктори, доцент
Электрон манзил: umida.rasulova77@mail.ru; телефон рақами: 93 5405848

KISSADA PEYSAJ İFODASI
LANDSCAPE EXPRESSION IN THE STORY*Расулова Умида Йўлдош қизи¹***Аннотация:**

Қисса жанрида воқеликни теран таҳлил қилиш, инсон руҳиятининг тубсиз ва қоронғу пучмоқларига назар ташлаш, ҳаёт моҳиятини англатишга эътибор ортгани аниқланади. Қисса жанри табиатини кузатар эканмиз, унда образлар кўп қирралиги, конфликт ўткирлиги, психологик таҳлил чуқурлиги, бадиий-тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги, мавзулар ранг-баранглиги кўзга ташланади. Бу ишда замонавий қиссалардаги пейзаж тасвири ёритилади.

Калит сўзлар: қисса, жанр, поэтика, табиат, маъно

Resume

The deals with the problem of the increasing emphasis on the genre of the tales, a deeper analysis of reality, a look at the deep and dark pits of the human soul, and the essence of life. When we research the nature of the genre of tales, we can observe the versatility of images, the intensity of conflict, the depth of psychological analysis, the diversity of artistic and visual means, and the diversity of themes. This work describes the landscape in modern stories

Key words: story, genre, poetics, nature, meaning

Ўзбек адабиёти тарихида кўп янгиланишлар рўй берди. Бадиий ижодда маънавий, эстетик омиллarning такомиллашуви янгича қарашларга замин яратди. Сўз санъаткори бадиий адабиётнинг қайси турида асар яратмасин, нигоҳини умумбашарий муаммолар чўми, азалий қадриятлар талқинига қаратади. Ўзбек қиссалари тарихан бой маданият, бадиий концептуал принцип, поэтик тилни намоён этиши билан муҳимдир.

Ижодкорнинг қобилияти унинг сўз қўллаш маҳоратида акс этади. Ҳар бир санъаткорнинг мавзунини ёритиш усули, фалсафий, эстетик мушоҳадаси, асари структураси фарқланиб туради. Ёзувчи тафаккур ҳамда тасаввур оламининг бойлиги, истеъдоди, диди, сажияси асарлари бадииятига муҳрланиб боради.

Бадиий асар жавҳарига сингдирилган ғоялар китобхон тахаййюл кудратини мустаҳкамлаган. Поклик, нурафшонлик рамзи сув фольклор мотивида кўп учрайди. Туркий халқлар мақолу маталида сувнинг тиник, шаффофлиги кўнглини поклаши, ҳузур, ҳаловат насиб этиши уқтирилади. Сувни эъзозлаш, уни исроф этмаслик борасида ҳикматлар мавжуд. Замонавий қиссаларда ҳам тириклик неъматлари ишоравий мазмунни кучайтириб боради.

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасида бола нигоҳи-ла Иссиқкўл манзараси жонланади. Бу макон хусусида беғубор тасаввурлар поэтик ифодага кўчади. Иссиқкўл суви барақа, саховат рамзи бўлиб, ундаги балиқ турлари, ҳаёт тарзи тасвирида реллик билан ҳаёлот қоришиқлиги кўзга ташланади. Бола айнан балиқ бўлиб, Иссиқкўл бағрида ҳаловат топишга ошиқади. Унинг қалб изтироби онгли одамлар томонидан англабмайди, покиза туйғуларга дунё торлик қилади. Қўлнинг жозиблиги, муазамлиги мурғак виждонига таскин беради. Иссиқкўл бағрида жонзоту наботот тинч тотув ҳаёт кечирилади, исёнкор инсон эса ҳар нарсада ўз манфаатини кўзлайди. Бола қўлда орзулар рўёбини ҳис этади, кемада унинг меҳрибон кишиси келишига мурод боғлайди.

¹ Rasulova Umida, Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, филология фанлари доктори, доцент
Электрон манзил: umida.rasulova77@mail.ru; телефон рақами: 93 5405848



Атрофдаги зулмату жаҳолатга нисбатан қўлнинг тиниқ, сокинлиги, бағрикенглиги контраст қўйилади.

Сув киши вужудини ғуборлардан халос айлаб, руҳиятига мусаффоликни сингдиради. Сув аҳли инсонга бемисл ризқ, ҳаловат, ҳузур бахш этади. Уммону дарё, қўлу булоқлар бари тирикликни, ҳаётни насиб этади. Самодан ёмғиру қорнинг ёғиши қурран заминни жонлантиради, тўйинтиради. Шу маънода сувга талпинган қўнғил оройиш топади.

Она тупроқдан унган турфа зироат ҳаёт давомийлигини таъминлайди. Ерни меҳр билан парвариш этиш фольклорнинг меҳнат қўшиқлари мундарижасини тўлддиради. "Қўш ҳайда", "Майда" янглиғ қўшиқлар туркий фольклор намуналарини бойитган. Боиси туркийлар қадимдан деҳқончилик, чорвачилик билан ризқини топган. Катта тажрибага эга авлоду аждодимиз тупроқни пок асрашга интилан, уни "она тупроқ" дея эъзозлаган. Қўринадики, ватан туйғуси ифодасида ҳам замин, тупроқ шарафланган. Чингиз Айтматовнинг "Сомон йўли" қиссасида қаҳрамон аёл қадрдон ер билан ҳасратлашади.

Маълумки, Аллоҳ таоло одамни тупроқдан яратишни ихтиёр этган. Хокисор ердан олий мавжудот бино бўлган. Унга набототу ҳайвонот неъматидан баҳрамандлик насиб бўлган. Инсон ер, тупроқ мисоли ҳалим бўлиб, шарафли макомни ёддан чиқармаслиги даркор. Ер устида тириклик сурурини ҳис этиб, фоний дунё найрангидан ҳоли бўлгани дуруст. Қиссадаги диалогу монолог инсон ҳамда табиатнинг яхлитлигини англатишга йўналтирилади. Ер устида турли тоифага мансуб кишилар тириклик гаштини суради. Улар ўй-хаёли, савий-ҳаракати доим она замин томонидан ҳис этилади. Инсон молу давлатга ружу қўйиб ҳаловатдан айрилишини ўйламайди. Тинч тотув ҳаётни қадрламай, мудом нафс исканжасига қоришиб боради. Ер юзидай кенг макон ҳам инсонга торлик қилиб, мудом жаҳолатга чулғанади.

Мазкур қиссада аёл уруш боис турмуш ўртоғи, ўғилларидан айрилиб, ёлғизланиб қолади. У мушкул дамда Ер билан дардлашади, қўнғилига таскин излайди. Бир қавму жон бўлган одам яқин қариндош, қўшиқдан қўра тупроқ билан тиллашади. Табиат инсонга доим таянч, ундан меҳрини аямайди. Айрилиққа бардошли аёл руҳиятидаги тебранишларга ҳамоҳанг ер кечинмадошлиги ишончли тасвирланади. Диалоглар орқали туркий тилининг ифода қўлами равшанлашиб боради. Лексик қатламдаги маънодош, бўёқдор сўзлар, теран иборалар матн бадийятини оширади. Муаллифнинг архаизмдан унумли фойдалангани, поэтик нутқ ақондига риоя этгани мутолаа жараёнида англашилади. Адиб поэтик воқелик моҳиятини аёл ҳамда ер образининг мулоқоти асносида ёритади.

Табиат қўйнида мусаффо ҳаводан баҳраманд бўлиб, уни ифлосланишдан, зарарли нарсалардан асраш киши виждонига ҳавола. Саришталик киши фитратига софлик, ойдинлик бахш этади. Экомаданиятни юксалтириш мақсадида доим хайрли ишлар амалга оширилади. Шу маънода асрлар давомида атроф-олам муҳофазасига айрича эътибор қаратилган. Бадий асарда қаҳрамон наботот ўт, ўлану дарахтлар билан муомалага киришар экан, мажозий тасвирлар сермаъноликни орттираверади.

Улуғбек Ҳамдамнинг "Ёлғизлик" қиссасида йигит туйғуларига параллел дарахт ҳолати тақдим этилади. Ғайб олами асрорига асир қаҳрамон нурли йўлга интилиб яшайди. Дарахтнинг шовуллаши, мунгли ноласи йигит вужудидаги пўртаналарга уйғун ифодаланади. Фарзанди, дилбандидан айрилган киши ўз қобиғига ўралиб, раҳмоний нажотга умидланади. Ожиз қаҳрамон дарбадар кезиб, ҳақиқат манзилига сафар қилади. Ҳар бир дарахтдаги япроқлар инсон умри саҳифаларига монанд идрок этилади. Табиат мўъжизасини теран кузатиб, оддий япроқнинг ҳам ҳиссиётдан бегона эмаслигини тафаккур

этасиз. Қахрамон вужудидиги хаосдан чекиниш тилсимини ахтаради. Япроқлардан айрилган дарахтнинг маънос садоси айрилиқ мотивини тиниклаштиради. Қахрамоннинг фарзандидан жудалиқ ҳолати дарахтнинг япроғидан айрилиғига параллел тасвирланади.

Биографик унсур-ижодкор руҳиятидаги пўртаналар қиссадаги мотивларни реаллаштирган. Ботиний иқдор онларида муаллиф асл нияти ойдинлашиб боради. Бу қахрамон “Мувозанат”, “Исён ва итоат” даги бош образ маслағи, изтиробига яқин дардманд киши. Бир вужудда мингта қисмга сочилиб, уларни қайта тўпламоқ дардига мубтало қахрамоннинг оғриқлари вазиятни туйдиришга йўналтирилади.

Инсон ҳануз кашф этилмаган тилсим салтанати янглиғ олиму ижодкорга ўрганиш объекти бўлиб қолаётир. Ҳар бир киши ўзича олам, зоҳиран уни кузатиб, муайян фикр билдириш осон, аммо ботинан мураккаб мавжудотни англаш душвор. Битта вужудда бахту бахтсизлик, эзгулиғу ёвузлик, сабру ношукурлик каби фазилату иллатлар йиллар сатҳида алмашиб бораверади. Ҳар инсон фитратида каттами, кичикми нуқсон бор. У ўзгарувчан, унутувчан, мослашувчанлиги боис мувозанат муқим сақланмайди. Кабир сайёранинг сағир вакили яна ўз жисмида мини зарра, парчага бўлиниб боради. Дард, армон туйғуси унинг руҳиятига синиклик, умидсизликни сингдириб боради. Инсонга буюрилган вазифа ҳатто азим тоғта душворлик қилган. Бардош, сабр, қаноатга эришиш асносида ҳаловатни кашф этиш мумкин. Тириклик йўли сарҳадларида киши яралишдаги муддаони англаши, яхлит жисмдаги минг бир жонни имон измига йўналтириши лозим.

Қахрамон ўзликни англаш йўлида баъзан исён қилади-ю, яна тавба қилиб Аллоҳга истиғфор айтади. Айни коллизия образ мантиғини, аслиятга талпинган руҳий дарбадарни тимсолида аён бўлади. У инсон армонига ҳамдард бўлиб, йиллар давомида тушунишга чорлайди. Дарахт яқка ҳолда воқеликнинг гувоҳига айланиб, сабр турли қисмат соҳибларига сассиз тасалли беради. Адиб покланиш жараёнини ўзидан, сийратидан бошлашни тўғри санаб, бу мураккаб вазиятни бадий ифодалашга жазм этади

Қиссаларда дунё ва инсонни акс эттириш бобида яқинлик, ўхшашлик, муқобиллик ҳолати кўзга ташланади. Замонавий асарлар поэтикасида ўзбек халқининг психологияси ,халқ дostonларининг руҳига кириб бориш, миллий бўёқларнинг ёрқин ифодаси аниқ деталлаштирилган ҳодисалар моҳиятида кўзга ташланади. Носирлар табиатдаги рангу ифторларни, оҳангу сасларни образли ифодалаб, китобхон руҳиятига эпкинлик бахш этади. Тасвирда воқелик теранлиги, такрор сўзлар жаранги, мантиқий асос, паузаларда, майин, нафис оҳангда кўзга ташланади.

Исажон Султоннинг “Онаизорим” асарида пейзаж ифодаси эътиборни тортади. Адиб табиатдаги набототу ҳайвонот тириклик жараёнини тиник ёритиш мақсадида самарали кузатишларни олиб боргани маълум бўлади. Қиссада мусича, қалдирғоч, қарқуноқ, зағча, қизилиштон, қалхат янглиғ қушлар оиласи, полапонини вояга етказиш машаққати эркин ифодаланади. Қушлар турмуш тарзи қахрамон ҳаётига параллел чизилар экан, фалсафий, мажозий мазмун мувофиқлашади. Олма, беҳи дарахтлари вақт мезонига ойдинлик киритади. Уларнинг новдалиқдан кексаликкача даври инсон умри саҳифасига монанд қамраб олинади. Олам моҳиятини англаш қахрамоннинг мураккаб руҳий кечинмалари негизида кечади. Инсон ибтидосидан интиҳога қадар фоний дунё деган маконда синовдан ўтади. Халқ донишмандлигининг турли лавҳаларда акс этиши азалий қадриятлар барҳаётлигини далиллайди. Инсон хотирасида беғубор болалик, ёшлиқ дамларининг тиник манзараси серқатламликни истифода этади. Ота маконга меҳр у ердаги ўсимлиғу ҳайвонотни эъзозлаш, яратувчанлик иштиёқини сўндирмасликда кўринади.

Қиссада борлиқ ҳодисоти одам қисмати билан муштаракликда намоён бўлади. Раъно болаликдан ариқча билан сирлашади, зилол сув билан мулоқот қаҳрамон оиласи ҳақидаги тасаввурни тўлдириб боради. Умрининг оқар сувга менгзалиши қизнинг вояга етиш жараёни билан параллел тавсифланади. Ҳар бир диалог қаҳрамон ботиний оламидаги ўзгаришларни аниқлаштиради. Мулоқот воқеа ҳодисаларни кабарик ҳолда тасаввур этишга сабаб бўлади. Киши ҳаёти фасллар: болалик (баҳор), ўсмирлик (ёз), ўрта ёш (куз), кексалик (қиш) қа менгзалади. Бу фалсафа Алишер Навоийнинг “Ҳазойин-ул маоний” девони моҳиятини истифода этган. Раънонинг бегубор болалиги баҳор янглиғ ҳайрату завққа бурканган. Ўсмирлик онларида турли воқеа ҳолатларни бошидан кечирав экан, ариқча билан сирлашиш, муайян тилсимларни англашга интилиш кучаяди. Йиллар давомида осойишта турмуш тарзига интилган қаҳрамон меҳрибон ота-онадан айрилганда ҳам изтиробини сувга англатади. Киши умрининг барча фаслида зилол, тиник сув унга фақат хотиржамлик, сокинликни раво кўради. Қаҳрамон атрофдаги ҳодисотлар асрорини кузатади, ариқча фоний дунё ташвишдан халос, эркин қалбга сурур бахш этади.

Бу уйғунлик вобасталик уч хилқат: одамзот, наботот, ҳайвонотнинг азалдан ягона мақсад йўлида яхлитлик касб этганини кўрсатади. Бошқарувчи одамзот борлиқнинг тирик эканини доим ҳис қилмоғи лозим: ҳайвон, қурт-қумурсқа бари ҳаракатда. Она замин бағрига яратикларни сиғдираверади, яратилганлар ўз навбатида алмашилиб тураверади (ҳаёт ва ўлим). Яшаш, ҳайрли умр кечириш олий мақсад саналади. Инсон набототу жамоатотга ҳабиб туғиниб, уни ардоқламоғи даркор. Ота-боболаримиз бу ахлокий ақидани дастуруламал этганлар.

Тоғай Мурод қиссалари поэтикасидаги пейзажда тиниклик, тасвирийлик эътиборни тортади. Ёзувчи мумтоз адабиёт анъаналарини, шеърини санъат жозибасини насрий матнда намоён этди. У пейзаж тасвирида раволиққа интилади:

«Кун булутда қолди» - ҳаво ўзгаргани, осмонни булут қоплагани маълум қилинади.

«Чилла ловуллади» – иссиқ, жазирама кун тасвири берилади.

«Ҳаводан қиш нафаси келди» – фаслга ҳаво ўзгаргани орқали ишора қилинади.

«Деразага ранг кирди» – тонг ёришгани маълум қилинади.

«Қиш қариди» – фасл тугагани лўнда ифодаланади. (Мурод Т. От қишнаган оқшом. Қиссалар. Т. Шарқ. 1994. 220, 230 б)

Жонли табиий манзарани тасвирлашда кўчма маъноли сўзлардан, иборадан фойдаланилгани кузатилади. Кун, фасл, бирор табиат ҳодисаси содда, аниқ баён қилинади. Пейзаж тасвирида бадиий воситалар – сифатлаш, жонлантириш ўринли қўлланган:

«Кун калла қайнатди, кун товон кўйдирди.

Тоғ чўқилари узра кўмир-кўмир булут тошди». (Мурод Т. От қишнаган оқшом. Қиссалар. Т. Шарқ. 1994. 215 б)

Куннинг иссиқлик даражаси инсонга хос сезги (бош ва оёқнинг қизиши) орқали англашилади. Биринчи мисолда ҳолат орқали, иккинчисида рамз-ишора («кўмир-кўмир» – қоп-қора) воситасида пейзаж ёркин тасвирланади.

Тез айтиш усулидаги бир хил товуш такрорига – аллитерацияга асосланган образли ифодалар анча:

Сурхон саратони саратонни саратони бўлди.

Аёлимиз аёллар ашуласини бошлади.

Атиргуллар атриёт анқитди.



Табиатни тўлғоқ тутди».

Мазкур сатрлар оҳанги узлукли, тез ва шиддатли нутқ ҳосил қилади.

Ҳаракатдаги давомийлик, кетма-кетлик аниқ кўрсатилган, томонларни монандлаш фикр изчиллигини юзага келтирган. Бадий воситалар асарлар руҳига сингиб, таъсирчанликни оширган, манзаралар табиий жонланишига замин яратган.

Ўхшатиш санъати:

Саратон ошиқ юрагидай ёнди.

Халқ... кўклам елларида чайқалмиш бугдойзор мисол... тўлқинланиб-тўлқинланиб олди. Умид одам учун мисоли уфқ.

Жонлантириш санъати:

Олтин бошоклар тўлғонди.

Субҳи содиқ маҳалдан саррин-саррин саболар эсди. Саболар танларни силаб-сийпади, саболар вужудларни эркалаб ўйнади.

Сифатлаш санъати:

Мен биринчи кўнгилдан ифбатлисини кўрмадим, биринчи кўнгилдан сўнмасини кўрмадим.

Ҳусни таълил санъати:

Тонг сахар оқ ип билан қора ипни ажратиб бўлмас вақт.

Бегона ўт кўзимни олди. Бегона ўт кўнглимни олди. Бегона ўт завқ-шавқимни олди.

Тазод санъати:

Бир кун қаради, бир ер қаради. Кўнгил яқинлари Бўри полвондан тобора олислаб-олислаб кетди.

Муаллиф насрий матнда бадийат асослари – шеърий санъатлардан унумли фойдаланган. Насрий асарда воқеабандлик китобхон ҳаёлини камраб олиб, уни мушоадага, ўйга чорлашдан диққат-эътибори моҳиятни англашга қаратилган бўлади. Вақти-вақти билан вазиятни озроқ юмшатиш, тинимсиз ишлаётган тафаккур, асабларга хузул бахш этувчи лавҳа, кўринишларни киритиш, яъни тасвир табиий реаллиги айни дамда ҳолат образлилиги ўқувчи туйғуларни, сезимларига ижобий таъсир қилади.

Қиссалар кўпқатламли, серкирралиги китобхон бадий дидини ўстириб боради. Тоғай Мурод мумтоз асарларда қўлланадиган санъатлардан бири тарду акс (тескари қилиб такрорлаш) орқали жумла жарангдорлигини оширишга интилади.

Саратон балолардан сариқ бўлади, балолар саратондан-да сариқ бўлади.

Мазкур ҳолатлар оҳангдорлик, бўёқдорликнинг юзага чиқишига туртки бўлади. Ўқувчи матн ўзлаштириш жараёнида мақол даражасига кўтарилган ибораларни учратади. Муаллиф қалбдаги асосий фикр, қарашлар жумла, ибораларга кўчгани маълум бўлади.

Фалсафий теранлик, мантиқан асосланганлик ҳаётини тажриба ҳосиласидир. Услуб-янги сўз, янги матал қўллаш демак, ижодкор бадий салоҳияти кўзгуси демак.

Адиб сажъдан ҳам унумли фойдаланади:



IV. ULUSLARARASI TÜRKLERİN DÜNYASI SOSYAL BİLİMLER SEMPOZYUMU

[17 Aralık 2020 Çevrim İçi]



«Беғубор болалик, бебош ёшлик, якин олисларда... якин олисларда-сочларнинг оқи, юзларнинг бужури, кўзларнинг нури, кўнгилнинг туб-тубида қолди».

Сажъ ритмик функция бажаради, насрда оҳангдорликни таъминлайди, мазкур парчада ҳам вазндош сажъ тури қўлланилган: беғубор болалик – бебош ёшлик, сочларнинг оқи, юзларнинг бужури – кўзларнинг нури. Сажъ бевосита тасвирдаги изчилликни юзага чиқарган.

Адиб сажъ санъатининг қофияли сажъ (сажъи мутарраф) турини ҳам қўллаган:

«Отамиз қарамиш дарахт шиғил-шиғил бўлди

Отамиз кесмиш ток шокила-шокила бўлади.

Отамиз қирқмиш гул шода-шода бўлади».

Жумлада асосан, феъл ва такрор сўзларда, равишда қофия моҳияти англашилади.

Жуфт от ва такрор равишларнинг ўзаро қофияланиши эвфоник жарангдорликни оширади:

«Ноз-неъматлар товлана-товлана туради.

Ширин-шакарлар боллана-боллана туради.

Аччиқ-чучуқлар бўйлана-бўйлана туради»

Муаллиф сажъ орқали маълум ҳолат, тасвирни образли ифодалашга эришган. Сатрларда бўгин тенглиги ёхуд бир оз фарқланиши кузатилади, воқеликни муфассал, равшанроқ ифодаланиши, маълумотни аниқ, лўнда берилиши эпик асарга хос кўламни белгилайди, тасаввур имконини кенгайтиради.

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида ифода усулларининг турфалиги ҳиссий идрок қувватини оширган. Бадий образ моҳиятини англатишда психологик, эстетик хусусиятлар далилланган.

Сажъ: Майин шамол эсар, ўрик гуллари унсиз тўкилар, дарахтзор остида майсалар оҳиста тебранар, аммо бугун табиат бир зум унсиз бўлиб қолган, ҳамма-ҳаммаси фақат мана шу дутор садолари-ю кўшиқни тинглагани учун тиниб қолгандек эди. (Ҳошимов Ў.Нурли дунё. Т.Шарқ. 1993. 130 б)

Мазкур лавҳада сажъ пейзаж тасвирини тиниқлаштиради. У ҳиссий бўёқдорликни орттириб, оҳанг товланишини намоён этади. Майин, унсиз оҳиста каби сўзлар метафорик тасвирни қуюклаштириб, табиат неъматини тимсол даражасига кўтаради. Санъат синтези қаҳрамон сезимига параллел берилиб, оламу одам яхлитлигини асослайди.

Сифатлаш санъати:

Оппоқ сочлари, оппоқ соқоли, оппоқ кўксини муздай қор зарралари қоплаган.

Оппоқ сифати ранг - тус тарзида намоён бўлиб, табиат инъоми қор инсон шаклу шамойилига мувофиқлашади. Мазкур сўзга урғу берилишида таъкид оҳанги кучайиб, образ кечинма, туйғуларини сездиришга қаратилади. Портрет тасвирида аввал юз қисми - соч, соқол, сўнг тана қисмига эътибор қаратилиб, нуроний сиймосига чизги берилади. “О” унлиси ички оҳангни юзага келтириб, символик ифода усулини яққол кўрсатади.



Ўхшатиш санъати:

Тўнғич чучмомалар энг аввал сукутга чўмган қабристон устида маънос қўнғироғини чалади. Бағри кон қизғалдоқлар биринчи бўлиб мана шу ерда очилади.

Муаллиф баҳор фасли чизгиларини чучмома, лолақизғалдоқ образларида истифода айлайди. У марҳумлар диёридаги сукунатни қўнғироқ жаранги билан пардалайди. Тириклик, яшариш фалсафаси азалу абад сатҳига жамланади. Қизғалдоқ (ол, қизил) тимсолида кон сўзига ишора берилиб, бўёқ қуюклашади. Адиб сокинлик масканидаги наботот қатламини руҳоний ҳамда дунёвий ҳақиқатнинг мажозий мазмунига уйғунлаштиради.

Назар Эшонкул “Уруш одамлари” кассасида уруш тушунчасига умуминсоний миқёсда ёндашади.

Ўхшатиш ва жонлантириш санъати :

Ниҳоят қўнғирот элига баҳор кириб келди. У минг хил ноз, минг хил карашма билан уруш заҳматлари эзиб ташлаган уруш одамларининг юрагига яшаш ва яшнаш ишқини солди. Уларни эркалади, сочларини силади, адирларни қип-қизил лолаларга тўлдирди, бутун борлиққа гўзаллик гиламини ёйди.(Эшонкул Н.Ялпиз хиди.Т.Шарқ.2008.112 б)

Умид рамзи баҳор романтик кайфият ҳосил қилиб, тушкун , лоқайд кишилар руҳиятига таскин улашади. У беҳол, бемажол, совуқкон жаҳолат қурбонлари қалбига илинж, мақсад куртагини қадайд. Қип-қизил сифати инсон вужудидаги кон рамзи ,у яралиш , яшашга далда беради. Уруш одамзотни залолатга рўбарў этган дамда гўзаллик нурли манзилга етаклайди.

Исажон Султоннинг “Муножот” кассасида фалсафий, диний тафаккур маҳсули жумла сермаънолигини оширади.

Ўхшатиш санъати:

“Шуур қатламлари аро чалинаётган куй - бу асрлар оша етиб келаётган нидо, ҳаво шу асрлар оралиғида яшаб ўтган зотларнинг зарралари, овоз соҳиби - улуг жафокашнинг нақ ўзи эди...(Султон И.Боқий дарбадар.Муножот.Т.Ўзбекистон. 2011.109 б)

Ўтмиш қаъридан таралаётган садо инсон қисматидан нола чекади. Тафаккур ва тахайюл кенгликларида қўнғил олами, руҳий кечинмалар бирлашиб кетади. Соҳиби жафокаш - аҳли урафо вужуди, руҳи илоҳий покликка талпиниб, сулукида асл қадриятни тарғиб этган. Макро дунё(аср) дан микро қатлам (зарра) гача инсоният тамаддуни , ибтидоси-ю интиҳоси тажассумини топади. Мазкур мотив адиб бадиий идеалини истифода этади.

Жонлантириш санъати:

“Еру осмон баб- баравар оҳ чекар, нолавор қўшиқ кўкка бетиним ўрлар эди”.(Султон И.Боқий дарбадар.Муножот.Т.Ўзбекистон. 2011.117)

Қурраи замин, само бағрига сиғмаган ошқ ўзга макон , хилват гўшага рихлат истайди. Борлиқдаги сукунатни руҳий пўртаналар безовта қилиб, ҳамдардига айлантиради. Тасвирдаги умумий гармония оламу одам концепциясини бош марказга бирлаштиради. Оҳангу саслар рамзийлик, шартлилик, умумлаштирувчилик тамойилини кучайтириб , поэтик қатламни теранлаштиради.



“...халқ тили бойликларидан, ифода ва тасвир имкониятларидан ўринли фойдаланиш орқали тил бадиятини юзага келтириш ижодкор маҳоратининг бош мезони ҳисобланиши била бирга умуман адабиётнинг бадийлигини белгиловчи мезон бўлиб ҳам хизмат қилади”.(Саримсоқов Б.Бадийлик асослари ва мезонлари.Т. 2004:120)

Қиссаларда поэтик ифода усули турфалашуви ижодкорларга кенг имконият яратади. Қиссаларда миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни талқин этиш тамойили ортмоқда. Ёзувчининг поэтик маҳорати санъатлар синтезида яққол намоён бўлмоқда. У образлар тизимини турли аспектда тақдим этишга, табиат манзараларини жонли, таъсирли ифодалаб, асар бадиятини оширишга интилоқда. Ижодкорлар изланиши натижасида матн структур, семантик қатламида ўзгаришлар вужудга келиб, сиқиклик, теранлик, тасвирийлик, мусикийлик, ифодавийлик оммалашаётгани аёнлашади.

Қиссачиликда янгиланаётган услубий, шаклий йўналишлар бадий идрок маҳсулидир. Ижодда субъективликнинг устуворлиги, воқеликнинг ёзувчи тасаввуридаги бадий моделини яратиш, қаҳрамон ботинини теран таҳлил қилиш жараёни қиссаларга ижобий таъсир этмоқда. Жаҳон анъаналарини ўзлаштираётган ёзувчилар қиссаларидаги тасвир усули, рамзий тимсоллар талқини, қаҳрамон ички дунёсининг тизгинсиз эврилишлари, сўз ва оҳанг товланишлари, шарқона миллий руҳ ифодаси тадқиқ этилади.

Қиссада мазмуннинг теранлиги, ҳаётий материалнинг салмоғи, сюжетнинг сертармоқлиги, характер мантиғи, образларнинг воқеадаги иштироки жанр хусусиятини белгилаб боради. Қиссачилик соддаликдан мураккаблик, бадий мукамаллик, маъновий кўламдорликка интилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мурод Т. От кишнаган окшом. Тошкент. Шарқ нашриёти. 1994
2. Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. Тошкент. 2004
3. Султон И. Боқий дарбадар. Тошкент. Ўзбекистон. 2011
4. Ҳошимов Ў. Нурли дунё. Тошкент. Шарқ. 1993
5. Эшонкул Н. Ялпиз ҳиди. Тошкент. Шарқ. 2008

